Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 147 (21. 014) 1991 йил 1 август, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

РЕСПУБЛИКАДА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА БАРҚАРОРЛИК, НОРМАЛ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ТАЪМИНЛАНСИН

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда жумҳурият вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари ижроия комитетларининг раислари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов олиб борди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССР ҳукумат делегациясининг ХХР Шинжонг-Уйғур мухтор районига сафари якунлари тўғрисида ахборот берди. Делегация ишини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Барча вазирликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ташриф чоғида эришилган аҳдлашувлар қандай бажарилаётганлигини алоҳида назорат остига олиш таклиф қилинди.

Мажлис қатнашчилари республика халқ хўжалигининг шу йил биринчи ярим йиллик иш якунларини, Ўзбекистон ССРнинг 1991 йил иккинчи ярим йилликдаги фавқулодда бюджетини ва бошқа баъзи масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатдаги ишларнинг аҳволи ёмонлашиб бораётганига, рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатаётганига, табиий офат туфайли юзага келган қийинчиликлар кескин тус олаётганига қарамай, қўрилаётган тадбирлар жумҳуриятда асосан ижтимоий масалаларни ҳал этишда барқарорликни, нормал ижтимоий-сиёсий вазиятни таъминлашга имкон берди.

Айни вақтда жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида аҳвол мураккаб бўлиб қолаётганлигидан далолат бермоқда. Ишлаб чиқарилган миллий даромад ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоиз қисқарди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3,1 фоиз камайди. Энг муҳим халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш қисқарди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ялпи ишлаб чиқариш ҳажми асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни камайтириш ҳисобига пасайиб кетди. Бу, аввало, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, вазирликлар ва деҳқончилик-саноат мажмуи идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари ҳали ҳам озуқа ишлаб чиқаришга етарли эътибор бермаётганликлари билан боғлиқдир.

Инвестиция соҳасида ҳам соғломлаштириш рўй бермади. Асосий фондларни ишга туширишни 30,7 миллион сўм қисқарди, 44 та объект фойдаланишга топширилмади. Капитал маблағлар ҳисобидан касалхоналар, клублар ва маданият уйлари, уй-жойларни фойдаланишга топшириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайди.

Халқ хўжалиги тармоқларининг молиявий аҳволи ёмонлашди. Корхоналар ва ташкилотларнинг 13 фоиздан кўпроғи 160 миллион сўм миқдорида зарар кўрди. Актив оборотдан 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағни дебиторлик қарзга олиш корхоналарнинг молиявий аҳволини ёмонлаштирмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги, республика банклари, вазирликлари ва идоралари корхоналар ҳамда ташкилотларнинг молиявий фаолиятини етарли даражада назорат қилмаяптилар, қарзларни камайтириш ва оборот маблағларни фаол ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш имкониятларини қидирмаяптилар.

Хўжалик алоқалари ва шартномавий интизомнинг бузилиши, республика халқ хўжалиги айрим тармоқлари иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиши бюджет даромад қисмининг анча камайишига олиб келди. Фақат биринчи ярим йилликдагина бюджетга 1,1 миллиард сўм пул тушмади.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, ССР Вазирлар Маҳкамаси билан мустақил республикалар ҳукуматларининг бозорга ўтиш шароитида мамлакат иқтисодиётини тангликдан олиб чиқишга доир биргаликдаги ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган вазифалар сўзсиз бажарилиши учун куч-ғайратларни жамлашга қарор қилди.

Барча вазирликлар ва идораларга йўл қўйилган қолоқлик ўрнини мумкин қадар тўлдириш ва 1991 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 1990 йилда эришилган ишлаб чиқаришнинг бир кунлик ўртача ҳажмларини тиклаш юзасидан шошилинч чоралар кўриш топширилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги барча комплекслар, республика вазирликлари ва идораларининг юзага келган аҳволдан чиқишга доир аниқравшан вазифалари белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамаси бюджет камоматини қисқартириш, пул муомаласини барқарорлаштириш, республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш ва уларга ижтимоий кафолатлар бериш билан боғлиқ тадбирларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш учун бюджет харажатларини 25 фоиз қисқартиришга ва бюджет камоматининг энг кам лимитини 4076,6 миллион сўм миқдорида тасдиқлашга қарор қилди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналарининг молиявий аҳволини соғломлаштириш, улар нормал ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида колхозлар (бунга балиқчилик хўжаликлари ҳам киради), совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини 1991 йилдан бошлаб барча турдаги солиқларни тўлашдан ва бюджетга тўловлардан озод қилишга қарор берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг деҳқончилик-саноат мажмуига Молия вазирлиги ва Ўзбекистон ССР Иқтисод комитети билан биргаликда зарар келтираётган ва паст рентабелли колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти ва молиявий аҳволини ўрганиш ҳамда зарарсиз ишлашни таъминлашга қурби етмайдиган хўжаликларни қайта ташкил этишга доир таклифларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасига уларни мулкчиликнинг якка тартибдаги, ижара, жамоа усулидаги ҳамда бошқа шаклларига бериш тартиби тўғрисидаги таклифларни киритиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажмуаларига, барча вазирликлар ва идораларга корхоналарнинг ўзаро алоқаларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларга моддий-техникавий ресурсларни етказиб беришни таъминлашда зарур ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ бир мақсадга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Халқ хўжалиги барча тармоқларини куз-қиш даврида ишлашга пишиқ-пухта тайёрлаш зарурлигига уларнинг алоҳида эътибори қаратилди.

Жумҳурият Меҳнат вазирлигига, Иқтисод комитетига ва Давлат ҳисоб комитетига бу йил иш билан банд қилиш давлат хизмати тармоқларини, иш билан банд қилишга кўмаклашиш жамғармаларини шакллантиришни тугаллаш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш, бозор иқтисодиёти талабларини назарда тутиб, ходимларни ва иш билан банд бўлмаган аҳолини ўқитиш, энг оз миқдордаги истеъмол бюджетлари тизимларини, аҳоли даромадлари индексациясини шакллантиришни тезлаштириш топширилди.

Буларнинг ҳаммаси ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги барқарорликни ва республикада нормал ижтимоий-сиёсий вазиятни таъминлаш имконини беради.

Шу мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республика Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетининг республика истеъмол бозорини халқ истеъмоли моллари билан қўпайтиришга доир ишини ҳам муҳокама қилди.

Вазирлар Маҳкамаси пахтачиликдаги ишларнинг аҳволини муҳокама қилди ва ғўза парваришини кучайтириш ҳамда пахта хом ашёси ҳосилини териб олишга тайёргарлик кўриш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси республика Адлия вазирлигининг «Эл» халқаро уюшмасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорига рози бўлди. Республика аҳолиси билан хорижий мамлакатларда яшаётган ўзбеклар ўртасида маориф, маданият, санъат, адабиёт, саёҳатчилик соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, қўшма корхоналар тузиш бу уюшманинг вазифаси ҳисобланади.

(ЎзТАГ).

ЙИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Сирдарё районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт топшириш йиллик режасини муддатидан барвақт, ортиғи билан бажаришди. Умрзоқ Менгешев, Манзур Олишев сингари тажрибали чорвадорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли давлатга ҳозиргача йиллик режадаги 54 тонна ўрнига 111,4 тонна гўшт сотилди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамол ўртача 475 килограммдан тош босди. Бу эса режадагидан 62 килограмм кўпдир.

Жамоа хўжалиги бўрдоқибоқарлари йил охиригача давлатга яна 49 тонна гўшт топширишга аҳд қилишди.

Қ. ҲОЖИЕВ.

Арнасой районидаги Ю. Фучик номли давлат хўжалигининг Машраб Баротов бошлиқ оилавий звеноси аъзолари 34 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан режадаги 22 центнер ўрнига 25 центнердан ҳосил олиш. Ўринбой Бўриев, Абдуманнон Абдиев етакчилигидаги звенолар ҳам ғўза парваришида пешқадам.

Суратда: мусобақадош звено бошлиқлари Машраб Баротов, Ўринбой Бўриев ва Абдуманнон Абдиев.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ

30 июль куни Кремлнинг Георгий залида АҚШ Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ж. Буш ва унинг рафиқаси билан СССР Президенти М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси самимий саломлашдилар. Давлат бошлиқлари қисқа нутқ сўзладилар.

Шундан сўнг Катта Кремль саройининг Екатерина залида СССР ва АҚШ Президентларининг яккама-якка суҳбати бошланди. ТАСС дипломатия мухбирларининг хабар қилишларича, Совет—Америка муносабатлари масалаларининг бутун мажмуи, энг аввало қурол-яроғларни назорат этиш муаммолари суҳбатдошларнинг диққат марказида бўлди.

Айни вақтда СССР Ташқи ишлар вазирлигининг хос уйида Совет—Америка муносабатларини янада ривожлантиришни белгилаб берадиган бешта ҳужжат имзоланди. Улар орасида аварияларнинг, табиий офатларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида СССР ва АҚШ ҳукуматлари ўртасидаги нуқтаи назарларни англаш ҳақидаги баёнот, иқтисодиёт соҳасида маслаҳатлашув-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат, фуқаро авиацияси хавфсизлиги соҳасидаги нуқтаи назар ва ҳамкорлик тўғрисидаги баёнот, тиббиёт ускуналари ҳамда дори-дармонларни тезда етказиб бериш ва унга алоқадор ёрдам тўғрисидаги битим, СССР Қурилиш ва саноат давлат комитети билан АҚШ уй-жой қурилиши ва шаҳарларни ривожлантириш вазирлиги ўртасида уй-жой қурилишида ҳамкорлик ва иқтисодий ривожланишга доир нуқтаи назар тўғрисидаги баёнот бор.

СССР ва АҚШ Президентлари яккама-якка учрашувдан сўнг Совет — Америка музокараларидаги икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибига бошчилик қилдилар. Музокаралар қатнашчилари орасида совет томонидан СССР Бош вазири В. С. Павлов, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних, СССР мудофаа вазири Д. Т. Язов, Америка томонидан АҚШ давлат котиби Ж. Байкер ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Нонушта устида М. С. Горбачев билан Ж. Бушнинг мулоқоти давом эттирилди.

Икки мамлакат раҳбарлари тиғиз иш режалари ораларидаги бўш вақтдан Кремль ва Қизил майдон бўйлаб ярим соат сайр қилиш учун фойдаландилар. Кремлнинг Собор майдонида ва Ленин Мавзолейи яқинида АҚШ ва СССР Президентларини бир гуруҳ сайёҳлар — москваликлар ҳамда пойтахт меҳмонлари табриклашдилар.

Шундан сўнг Ж. Буш Москва давлат халқаро муносабатлар илмгоҳида совет жамоатчилиги вакиллари ҳузурида нутқ сўзлади. Учрашувда таниқли совет дипломатлари, олимлар, сиёсатшунослар, журналистлар қатнашдилар.

Кунинг иккинчи ярмида РСФСР Президентининг Кремлдаги қароргоҳида Б. Н. Ельциннинг АҚШ Президенти Ж. Буш билан учрашуви бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИГА ВА МУТАХАССИСЛАРИГА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ КЕНГ КЎЛАМДА ЎҚИТИШ СИСТЕМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада чет тилларини кенг кўламда ўқитиш системасини тубдан такомиллаштириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўқувчи ёшларни ва мутахассисларни жаҳон фани ва техникаси ютуқларидан бевосита баҳраманд этиш, уларни хорижда кўплаб ўқитиш ва тажриба орттиришга юборишни йўлга қўйиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар институти қошида чет тилларни ўқитиш махсус курслари негизида республика Тил ўрганиш маркази ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ўртоқ Алимов), Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги (ўртоқ Йўлдошев) Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда Тошкент ва Нукус шаҳарларидаги, вилоят марказларидаги олий ўқув юртлари: Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Ёшлар институти, Андижон давлат тиллар педагогика институти, Нукус, Самарқанд ва Фарғона давлат дорилфунунлари, Бухоро, Жиззах, Қарши, Наманган, Термиз, Сирдарё ва Хоразм давлат педагогика институтлари негизида республика ва минтақа тил ўрганиш марказларини ташкил этсинлар.

3. Чет тилларни ўқитиш системасини такомиллаштиришга оид ишларни мувофиқлаштириб туриш, ташкил этиладиган тил ўргатиш марказларини молиявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун қуйидаги тартибда Тил ўргатиш республика кенгаши тузилсин: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби ўртоқ К. Ю. Юсупов (раис), Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Иқтисодиёт комитетининг раиси ўртоқ Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазири ўртоқ Ш. А. Алимов, Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири ўртоқ Ж. Ғ. Йўлдошев (ўринбосарлар). Кенгаш таркибига манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг жамоат ташкилотларининг, Ўзбекистон Фанлар академиясининг, йирик корхоналарнинг, республикадаги етакчи олий ўқув юртларининг раҳбарлари киритилсин.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши қўшма комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда республика ҳукумати билан касаба уюшмалари ўртасида 1991 йилги меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир икки томонлама битимнинг қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси билан касаба уюшмалари федерациясининг Кенгаши битимга киритилган тадбирларни бажариш юзасидан бир қанча аниқ тадбирларни қабул этгани таъкидланди. Жумладан:

— Истеъмол учун бериладиган маблағларнинг ўсишидаги чеклаш бекор қилинди, шу жумладан истеъмол моллари ва хизмат нархи ошганлигига, профилакторийлар, барча турдаги соғломлаштириш лагерларида даволаш курсини ўтаётган ходимларнинг овқатланишини яхшилашга бериладиган компенсация тўловлари оширилишига алоқадор барча сарф-харажатлар улардан олиб ташланди;

— Вақтинча ишга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва фарзанд кўрганлик, болаларни соғломлаштириш лагерларида даволаганлик, пархез таомлар билан овқатлантириш учун нафақа тўлашга сарфланадиган ижтимоий суғурта жамғармасига қўшимча маблағлар ажратиш ҳамда касаба уюшмаларининг санаторий-курорт муассасалари ва санаторий-профилакторийлари йўлланмалари нархи 140 миллион сўм кўпайиши муносабати билан сарф-харажатларни қоплаш тўғрисидаги масала ҳал қилинди;

— Касаба уюшмалари болалар ёзги соғломлаштириш мавсумига 40 миллион сўм қўшимча пул ажратди;

— Табиий офатлардан жабрланганларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 15 миллион сўм пул берилди.

Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши билан халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг ижроия комитети республикамиз ва мамлакатимизнинг экологик жиҳатдан қулай минтақаларидаги ёзги соғломлаштириш лагерларига жўнаб кетаётган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган кишиларни ташишга алоқадор транспорт харажатларини қоплаш учун икки сменага 350 минг сўм пул ажратди.

Битимда белгиланган муддатларга мувофиқ Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг компенсациялар манбаи ва касаба уюшмаларининг мулки ҳисобланган ёки у фойдаланаётган маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт муассасалари, кечаю кундуз ишлайдиган болалар соғломлаштириш лагерлари ходимлари иш ҳақини ошириш ҳамда корхоналарнинг коржома, махсус пойабзал, якка тартибда ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш ва уларни сотишдан олган фойдасидан солиқ миқдорини камайтириш ҳамда уларни давлат буюртмасига киритиш тўғрисидаги қарорларининг лойиҳалари тайёрланди.

Комиссия мажлисида энг кам миқдордаги истеъмол бюджетини вужудга келтиришнинг умумий асослари, бинокорлик материаллари бозор жамғармаларини кўпайтиришга алоқадор масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

● Бугундан эътиборан барча оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, «Совет Ўзбекистони» рўзномасига обуна қилиш бошланди.

Жумҳуриятимиздаги ҳамма алоқа бўлимларига, колхозлар, совхозлар ва корхоналардаги жамоатчи фаолларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Таҳририят жамоаси келгуси йилда ҳам Сизларнинг ишончингизни оқлашга, турли мавзулардаги ўқишли мақолаларни чоп этишга, долзарб муаммолар, ибратли ишларни кенг ёритишга, яхши турмуш кечиришимизга тўғаноқ бўлаётган иллатларни кескин фош этишга ҳаракат қилаверади.

«Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийинни, олти ойга 12 сўм 84 тийинни ташкил этади.

● Бу рўзномани чакана савдода харид қилишга қараганда анча арзондир.

Севимли рўзномангизга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг!

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Хоразм вилоят партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Хоразм вилоят партия комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарори асосида аҳоли истиқомат қиладиган жойлардаги ишни такомиллаштириш юзасидан вилоят партия комитетларининг вазифалари муҳокама қилинди. Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Р. М. Худойберганова маъруза қилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул этилди.

(ЎзТАГ).

Воқеалар, хабарлар, шарҳлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИГА ВА МУТАХАССИСЛАРИГА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ КЕНГ КЎЛАМДА ЎҚИТИШ СИСТЕМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

4. Қуйидагилар:

— Ўзбекистон ССР ўқувчи ёшларига, мутахассисларига зарур ҳажмда чет тилларни жадал ўқитиш;

— уларнинг электрон-ҳисоблаш техникасида ишлаш кўникмаларини эгаллаши, замонавий воситалардан фойдаланиши;

— хорижий мамлакатларнинг тарихи ва маданияти, давлат ва сиёсий тузилиши, ижтимоий-иқтисодий мавқеи билан тингловчиларни таништириш;

— корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртлари ходимлари ҳамда ўқувчи ёшларнинг тил билиш малакасини оширишда уларга кўмаклашиш республика ва минтақа тил ўргатиш марказларининг асосий вазифалари деб ҳисобласин.

5. Республика ва минтақа тил ўргатиш марказларини ташкил этиш, уларни моддий-техникавий жиҳозлаш учун 1991 йилда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 2 миллион сўм, шунингдек валюта маблағлари ажратилсин.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда халқ таълими вазирлигининг далилларига мувофиқ республика ва минтақа тил ўргатиш марказларига ўтказилган маблағларни талабалар ва мутахассисларга чет тилларни ўргатиш учун ажратишни кўзда тутсин.

6. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети шу ўқув йилидан бошлаб ёшлар институти негизида минтақа тил ўргатиш марказининг моддий-техника базасини таъминлаш ва ривожлантиришга пайчилик асосида маблағ ажратиш маълумот учун қабул қилинсин.

Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси чет тилларни ўқитиш системасини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва айрим фуқаролардан тушадиган сўм ва чет эл валютасидаги маблағларни жамлаш учун Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банкида белгиланган тартибда махсус пудрат ҳисобини очсин. Республикадаги тил ўқитиш марказларига молиявий жиҳатдан мадад бериш учун маблағ ажратган Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ҳомашё ва енгил саноат маҳсулоти сотилишини таъминлаш бош бошқармаси, Ўзбекбирлашув, «Ипак йўли» ёшлар инновация-тижорат банкининг ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар ва корхоналар, хорижий мамлакатлар сармояси билан иш юритаётган қўшма корхоналар, кооперативлар ва хўжалик ҳисобидаги бошқа ташкилотлар ўз мутахассисларини ўқитиш учун шартномалар асосида ана шу марказларга юборсинлар.

Мазкур марказларда тил ўрганишни хоҳловчи фуқароларга марказлар маъмурияти билан шартнома асосида тил ўрганиш имконияти берилсин.

7. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ўртоқ Алимов) бир ой муддат ичида қуйидагиларни:

а) республика ва минтақа тил ўргатиш марказлари тўғрисидаги низомни;

б) республика ва минтақа тил ўргатиш марказларида компьютер синфхоналари, мамлакатшунослик маданий-ахборот марказлари ва гуруҳларини, жадал тил ўрганиш сайёр курсларини ташкил этишни кўзда тутиб, ана шу марказлар тузилмасини;

в) қабул қоидаси, ягона ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Республикада тил ўргатиш маркази вақтинча Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти биносида, Навоий кўчаси, 48-уйда жойлаштирилсин. Шу йилнинг 20 сентябригача бинони жорий таъмирлаш таъминлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплекси (ўртоқ Қаландаров), Ўзбекистон ССР иқтисодиёт комитети (ўртоқ Ҳамидов), Тошкент шаҳар ижроия комитети (ўртоқ Асқаров) марказ биноси қуриб битказилгунга қадар бир ой муддат ичида республика тил ўргатиш маркази қаерга жойлашиши тўғрисида келишиб олинган таклифлар киритсинлар.

9. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ўртоқ Алимов), Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги (ўртоқ Йўлдошев):

1 сентябргача бўлган муддатда республика ва минтақа тил ўргатиш марказларига тингловчилар қабул қилиш режасини тасдиқласинлар ва бунда машғулотлар шу йил 1 октябрдан бошланишини таъминлашни назарда тутсинлар;

Машғулотлар бошлангунга қадар республика ва минтақа тил ўргатиш марказларини юқори малакали профессор-ўқитувчи кадрлар ва маъмурий-бошқарув ходимлари билан таъминласинлар.

10. Республика ва минтақа тил ўргатиш марказларининг профессор-ўқитувчилари учун самарали ишлашнинг қўшимча омиллари ва шарт-шароитларини яратиш мақсадида:

Республика ва минтақа тил ўргатиш марказларига олий ўқув юртлари ходимлари учун кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жорий этилсин;

профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи ставкаларига 25 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ ва бир ўқитувчи 6 кишини ўқитиши белгилансин;

тил ўргатиш марказларининг педагог кадрлари тажриба орттириш учун хорижий мамлакатларга ва СССРнинг ихтисослаштирилган етакчи тилшунослик ўқув юртларига мунтазам юборилсин.

11. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корхоналар ва ташкилотлар мутахассислари республика ва минтақа марказларига чет тилларни ўрганиш учун юбориш пайтида ана шу марказларда ўқиётган кишиларнинг иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда улар ҳафтасига 6 соатгача бўлган ҳажмда ишдан озод қилинсинлар.

12. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети раислари зиммасига тил ўргатиш марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, марказларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш вазифаси юклатилсин. Бунинг учун маҳаллий бюджетлардан зарур молиявий маблағлар, бинолар, транспорт ва алоқа воситалари ажратиш кўзда тутилсин.

1992 йилда Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят марказида ва Тошкент шаҳрида юқорида айтиб ўтилган республика ва минтақа марказлари учун биноларнинг якка тартибдаги лойиҳалар асосида қурилишини бошлаш таъминлансин.

13. Республика ва минтақа тил ўргатиш марказларида машғулотларни ўз вақтида бошлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт давлат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат кооператив таъминот комитети, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги шу йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда халқ таълими вазирлигининг асосланган эҳтиёжларга мувофиқ уларга бириктирилган йиғма рўйхат асосида асбоб-ускуналар, мебель, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа зарур моддий-техника ресурслари ажратсинлар ва етказиб берсинлар.

14. Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар тил ўргатиш марказларини энг замонавий асбоб-ускуналар ва техник воситалари билан таъминлашда уларга бутун чоралар билан амалий ёрдам берсинлар.

15. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплекси (ўртоқ Самандаров) ва Ўзбекистон ССР Президенти аппарати ташқи иқтисодий алоқалар бўлими (ўртоқ Сафоев) зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси

И. КАРИМОВ.

Партия ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлар

КУЧ—ҲАМКОРЛИКДА

Вилоят партия қўмитаси ҳамда вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган қўшма пленумида ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалар — иқтисодий танглиқни бартараф этиш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари кенг муҳокама этилди. Пленумда бошқа соҳалар қатори хусусан саноат, қурилишдаги муаммолар устида атрофлича фикр юритилди, тегишли хулосалар чиқарилди. Бу бежиз эмас албатта. Саноат, айниқса қурилишдаги ишларни ҳозирги давр талаблари даражасига кўтармай туриб, вилоятни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш қийин.

Қўриқ воҳада вилоят иқтисодини ривожлантиришга хизмат қиладиган, халқ манфаатини кўзлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилаяпти. 140 минг аҳолини таъминлаш учун 60 километр узунликдаги Крестьянек — Гулистон — Янгиер ичимлик суви йўли, Жанубий Мирзачўл каналидан Ховос районидаги Тимирязев номли, «Ховос» ва бошқа хўжаликларга оқар сув олиб келиш учун бошланган қурилишлар шулар жумласидандир. Учта қўриқ районга сув етказиб берадиган канални реконструкция қилиш масаласи эса муаммо бўлиб турганди. Эндиликда уни ҳам ижобий ҳал этиш учун имконият вужудга келди.

Аҳолининг якка тартибда уй-жой қуришига ёрдам бериш, ижтимоий, тиббий, маданий-маиший бинолар қурилишини тезлаштириш мақсадида тегишли дастурлар ишлаб чиқилди. Уларда уй-жойлар барпо этиш, биноси эскирган мактабларни тиклаш, болалар боғчалари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлайдиган омборлар, уларни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни, ғишт заводлари, уйсозлик анжомлари корхоналарини барпо этиш, аҳоли яшайдиган жойларни сув ва газ билан таъминлаш каби аниқ режалар қамраб олинган.

Вилоят коммунистлари конференцияси бўлиб ўтганига бир йилдан ошди. Биз бугунги кун натижаларига конференция қабул қилган қарорлар талаблари нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсак ҳали олдинда бажарилиши лозим бўлган қатор ишлар тургани, умуман қурилиш ишлари аҳволи дуруст эмаслиги яққол маълум бўлади. Вилоят бюджетидаги тангликка қарамай районлар ва шаҳарлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадларига ўтган йилдагига нисбатан кўп маблағ ажратилган эди. Лекин вилоятнинг тўрт шаҳридан иккитаси, 9 та райондан 5 тасида ажратилган ана шу маблағлар ўзлаштирилмай қоляпти. Жумладан, Сирдарё шаҳрида ўтган ойларга белгиланган режалар атиги 30 фоиз, Сирдарё, Ильич ва Комсомол районларида эса 42—57 фоиз бажарилди, холос.

Шаҳар ва районлар ўртасида қувватларни ишга тушириш борасидаги тафовут катта. Масалан, Янгиер шаҳрида уй-жой қурилиши бўйича қувватларни ишга тушириш ҳажми 433 фоиз бажарилган бўлса, Сирдарё шаҳрида бу кўрсаткич фақат 7 фоизни, Ховос, Ильич, Сирдарё районларида эса 24—47 фоизни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш биноларини қуриш учун ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳам ёмон аҳволда. Бу соҳадаги илғор тажрибалар оммалаштирилмаяпти. Масалан, Гулистон район партия комитети юқумли касалликлар шифохонаси қурилишини ўз назоратига олгач, уни тезлаштиришга эришган эди. Аммо бу тажриба район доирасида қолиб кетди. Уни оммалаштириш учун ҳеч ким жон куйдирмади. Шу сабабли вилоятда бу соҳада икки хил аҳвол содир бўляпти. Сирдарё район партия комитети эътиборсиз қолдиргани сабабли Бахт шаҳридаги шифохона қурилиши жуда ночор аҳволга тушиб қолди. Қурилиш материаллари, техника ғоят қимматлашиб кетгани ҳолда қурувчиларнинг ойлик маошлари аввалги даражада сақланиб қолаётир. Бунинг устига қурилиш ташкилотларида қўл кучи ҳамон устунлик қиляпти. Шу сабабли кўпгина қурилиш ташкилотларидан малакали қурувчилар кетиб қолаётир. Сирдарё районида жойлашган 7-қурилиш трестига қарашли кўчма колоннада бир пайтлар 250 дан зиёд қурувчи ишлар эди. Ҳозир эса бу ташкилот батамом тарқалиб кетиш ҳолатида турибди. Ташкилот жонкуярлари турли идоралардан ёрдам сўрамоқдалар. Лекин, афсуски, Сирдарё район партия ташкилоти ўз қурилиш жамоасининг оғир муаммоларини енгиллаштиришга қурби етмаяпти.

Ана шундай оғир ва мураккаб шароитда бирграликда, якдил бўлиб иш олиб бориш лозим. Зеро, бирграликдагина кучлимиз.

Б. ПАЙЗИЕВ,
Сирдарё вилояти партия қўмитасининг аъзоси, вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини.

«ИПАК ЙЎЛИ»— ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

«Қадим даврларда «Ипак йўли» халқларимизни бир-бири билан боғлаб, улар ўртасидаги алоқаларни доимо мустаҳкамлаб келган. Бугунги кунда ҳамкорлигимизга янги омил бахш этилди. «Янги «Ипак йўли»дан бориб, иқтисодиёт, фан, техника, савдо ва маданият соҳасида қалин ҳамкорликка асос солдик». Шинжонг-Уйғур мухтор райони халқ ҳукумати раиси Томур Давоматнинг бу сўзлари Урумчидаги Шинжонг халқ радиостанцияси эшиттиришида янгради. Эшиттириш Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов бошчилигидаги жумҳурият ҳукумат делегациясининг Шинжонг-Уйғур мухтор районига буюрган ташрифига бағишланганди.

Дўстона ташриф чоғида бўлган музокараларнинг натижаларига юқори баҳо берилди. Эшиттиришда бу музокаралар кенг кўламли ва фойдали бўлганлиги айтилди. Ўзбекистон делегацияси бошлиғининг музокаралар тугаганидан сўнг айтган қуйидагиларни билдиришга вакил қилинди.

Биринчидан, СССР Конституциясига (124-моддага) ва «СССРда Конституциявий назорат тўғрисида»ги СССР Қонунига (12-модда) биноан СССР халқ депутатлари съездигина комитетга топшириқлар беришга ҳақлидир. Комитетга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ҳамма органлар ва мансабдор шахслар унга у ёки бу меъёрий ҳужжатни кўриб чиқишни таклиф этишигина мумкин.

Иккинчидан, «СССРда Конституциявий назорат тўғрисида»ги СССР Қонунининг 17-моддасига биноан комитет хулосасининг лойиҳаси қонунда кўрсатилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, мансабдор шахсларга, барча манфаатдор томонларга юборилганидан кейин орадан 15 кун ўтганидан сўнггина қабул қилиниши мумкин. Хулосанинг лойиҳаси масала ўрганилгандан кейин тузилади, уни ўрганиш тартиби комитетнинг иш тартибида белгилаб қўйилади, бу ишга қонунда олти ойгача муҳлат берилган. Бироқ, фармон жамоатчилик ўртасида кенг шов-шув қўзғаганини ҳисобга олиб, комитет масаланинг моҳиятини имкони борича қисқа муддатларда кўриб чиқишни назарда тутмоқда.

Шань жун саваш фабрикасига, Шинжонгдаги 1-радио заводига, Уйғур халқ табобати касалхонасига борди. Делегация аъзолари Қашқар шаҳрида ва Еркент уездида, «Дўстлик» савдо саройида ва «Дунгқўрнк» бозорида бўлди.

Шинжонг-Уйғур мухтор райони партия комитетининг котиби Сун Ханлян Ўзбекистондан келган меҳмонларни ташриф муваффақиятли тугагани билан табриклади. У икки халқнинг қадимий тарихий алоқалари бугунги кунда янада ривожланиб, чуқурлашиб бораётганини таъкидлади. Ўн йил мобайнида ўтказилаётган ислоҳотлар ва очиқ эшиклар сиёсати бизга битта ҳақиқатни тушуниб олишга ёрдам берди, деди Сун Ханлян. Ислоҳот ва ошкораликкина давлатимизни социалистик янгилаш дастурини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бу ишда биз социализм йўлидан қатъий боришимиз, Коммунистик партия раҳбариятига иккиланмай таянишимиз лозим. Партиямиз миллатлараро бирликни мустаҳкамлашга ҳамма вақт катта эътибор бериб келди. Бизнинг шиоримиз шундай: «Яшасин барча миллатларнинг буюк бирлиги!». Бу ислоҳотлар, ошкоралик сиёсатини муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг, шунингдек, иқтисодий қурилишни ривожлантиришнинг асосий омилларидандир».

Сун Ханлян Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовга самимий салом топширишни илтимос қилди.

(ЎзТАГ).



Бухородаги «Кондахор» кооператив устахонаси ходимларини қадимий мисгарлик санъатининг меросхўрлари дейишади. Устахона собиқ Говкушан мадрасасида жойлашган.

1960 йилда бутун Бухорога машҳур бўлган Салим Ҳамидов иқтидорли ўсмирларни ўз атрофига тўплаб, шу устахонани ташкил қилганди. Ҳозирги кунда улар қўлида жило топган буюмлар халқаро кўргазма ва ярмаркаларда муваффақият қозонмоқда. «Кондахор» устахонаси уста Салим номи билан аталмоқда.

СУРАТДА: Уста Салимнинг шогирдларидан Маҳмуд Ғуломов.

Суратқаш В. МИЛЕНЬКИЙ. (ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

ҚИШЛОҚДА УЙ ТЕГИРМОНИ

Шўрохон қишлоғида истиқомат қилувчи аҳоли Ўзбекистон ССР Президентининг қишлоқ меҳнаткашларини овқат учун дон /буғдой/ билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисидаги фармонини қувонч билан кутиб олишган эди. Шу туфайли томорқаларига ҳам бироз буғдой экишган эди.

Энди буғдойни қандай қилиб ун қилиш керак? Эски харозлар бузиб ташланган.

Шу қишлоқлик Ортиқ ота Хўжаниёзов бунинг иложини топди. Уйига кооператив усулида электр билан ишлайдиган хароз қурди. Унинг юмуши ҳозирдаёқ кўпчиликка маъқул, ун сифати аъло бўлиши билан бирга хизмат ҳақи ҳам қиммат эмас. Буғдойнинг килограммига 12 тийин тўланади, холос. Хароз бир кунда 2 тоннадан ортиқ буғдойни ун қилиб беради.

ГИЛАМЧИ ҚИЗЛАР

Шу пайтгача райондаги М. Горький номли давлат хўжалигида ягона гилам тўқиш цехи фаолият кўрсатаётганди.

Яқинда «Ленинизм» давлат хўжалигида ҳам бир гуруҳ қизлар ташаббуси билан гилам, палос тўқиш цехи иш бошлади. Цехнинг Дерман Нурмедова, Гулжахон Нурбердиева, Ўғилжерен Қиличседова каби чеварлари қўлидан чиққан дастлабки маҳсулотлар харидорларга етказиб берилди. Гиламчи қизлар мақсади — хўжалик ишчиларининг бундай зарур молга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдир.

О. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тўртқўл райони.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ

30 июль куни Тошкентда «Касаба уюшмалари ва хотин-қизларнинг муаммолари» мавзуида жумҳурият семинари очилди. Семинар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг ташаббусига кўра жумҳурият тармоқ касаба уюшмалари билан биргаликда ўтказилмоқда.

Семинар дастурига мувофиқ ишлар алоҳида-алоҳида шўъбаларда олиб борилади. Ўзбекистонда хотин-қизлар муаммолари батафсил таҳлил этилади, аёлларнинг аҳволини яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш режалаштирилган. Семинар қатнашчилари давра суҳбати ўтказадилар, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан биргаликда аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган авлодни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқадилар.

(ЎзТАГ).

Мактубларда эл дарди

Таҳририят почтасидан

Агар турмуш шароити қийинлашмаса, жиноятчилик зўраймаса, порахўр ва чайқовчилар кўпаймаганида, қонунлар ишлаганида мен бу хатни сизга ёзмаган бўлардим, — дебди марғилонлик жамоатчи мухбиримиз Ф. Қутбитдинова.

Албатта, қар ким бу дунёда яхши яшаб, яхши кийингиси келади. Лекин мени ташвишга солаётган чайқовчилик, алдамчилик ва зўравонлик каби иллатлар давом этяпти. Очиғини айтганда, биз ўз уйимизда ҳадик билан яшаяпмиз.

Нарх-наво кундан-кунга осмонга чиққани ҳолда маошлар ўз ҳолича қоляпти. Яна жаннатмакон диёрда яшаяпмиз, деб мақтаниб ҳам қўямиз.

Яна қизиқ бир ҳол. Сабзавот дўконларида юз килолаб ҳатто, тонналаб маҳсулот ириб-чириб ётса ётадики, лекин унинг нархини тушириб халққа сотиш бировнинг парвойига келмайди. Хуллас, сиз катталар, айниқса, раҳбарлар, биз болаларга ёмон мерос қолдиряпсиз.

Азиз катталар, бизнинг ҳаётимиз сизнинг келажагингиз эканини ҳеч унутманг, — дейилади мактуб сўнгида.

Қаҳрамон оналарга имтиёзлар бериш керак, айниқса, ҳозирги шароитда,—деб ёзибди хонқалик ўқитувчи Р. Ҳаитбоев. Худди шу мазмундаги хатни С. Сейтмаматова ҳам йўллаган.

Хоразмлик К. Абдураҳмонов, сурхондарёлик Э. Чориев, фарғоналик Р. Каримова ва А. Давроновлар, косонлик А. Бекпўлатов, чинозлик И. Хожимоновлар эса бозор иқтисодиётига ўтиш давр талаби экани, лекин кўп ишлар ўйланмасдан қилинаётгани ҳақида куйинчаклик билан ёзишган.

Пастдарғомлик Н. Эшқувватов Жума шаҳридаги «Юбилейний» магазини қошида ёш келин-куёвларга хизмат кўрсатувчи «Зарурат» деб номланган алоҳида бўлим янги ёш оилаларга намунали савдо хизмати кўрсатаётгани ҳақида ёзган бўлса, Денов районилик Ў. Бекмуродов эса аксинча, дала тўла деҳқон, завод ва фабрика тўла ишчилар ишлаётганига қарамасдан дўкон пештахталари ҳамон қуп-қуруқ эканидан ҳабар берган.

Сариосиёлик жамоатчи мухбиримиз М. Ботировнинг хабар беришича, кончилар шаҳри Шарғунда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож одамларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун ишчилар таъминоти савдоси ходимлари ўз жамғармасидан 7 минг сўм, кўмир кони бошқармаси эса бу меҳр-мурувват жамғармасига 21 минг сўм ўтказишгани тўғрисида мактуб йўллашган.

Оҳангаронлик II группа ногирони А. Ҳаитов эса жумҳурият Президенти чиқарган, халққа маъқул кейинги фармонлар ҳақида яхши фикрлар билдирган.

Хуллас, ҳар бир мактубда эл дарди ва овози бор, халқнинг турмуш ташвишлари ўз аксини топган.

СССР КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ КОМИТЕТИДА

Баъзи оммавий ахборот воситалари икки ҳафта давомида СССР Конституциявий назорат комитети РСФСР Президентининг 1991 йил 20 июлдаги 14-сон Фармони Конституцияга нақадар мувофиқлиги тўғрисидаги масала юзасидан хулоса чиқариш ниятида эканини хабар қилдилар. Мазкур фармонни кўриб чиқиш комитетга топширилганлиги ҳам илгари хабар қилинган эди.

СССР Конституциявий назорат комитетнинг котибияти қуйидагиларни билдиришга вакил қилинди.

Биринчидан, СССР Конституциясига (124-моддага) ва «СССРда Конституциявий назорат тўғрисида»ги СССР Қонунига (12-модда) биноан СССР халқ депутатлари съездигина комитетга топширилган ишлар тартиби комитетнинг иш тартибида белгилаб қўйилади, бу ишга қонунда олти ойгача муҳлат берилган. Бироқ, фармон жамоатчилик ўртасида кенг шов-шув қўзғаганини ҳисобга олиб, комитет масаланинг моҳиятини имкони борича қисқа муддатларда кўриб чиқишни назарда тутмоқда.

• Мутахассис мулоҳазаси •

ҚУРИЛИШДА РАҚОБАТ БЎЛСИН

Турган гапки, янгича иқтисодий сиёсатга ўтиш бир қатор қийинчиликларни тўғдиряпти. Аввало, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи муҳим бўлиб турибди. Қолаверса, янгича шароитда ҳар бир соҳа учун ўзига хос муаммолар юзага келяпти.

Хўш, шундай экан, янгича иқтисодиётга ўтилгандан кейин халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган қурилишда қандай ўзгаришларни амалга ошириш мумкин? Умуман, қурилишнинг юқори сифатини таъминламай туриб бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб бўладими?

Аввало, ўтган йиллардаги қурилиш аҳволига бир назар солайлик. Сир эмас, ўша йилларда «мендан кетгунча» қабилида сифатсиз иморат, иншоот ва корхоналар қурилиш, уларни чала-чулпа ҳолда фойдаланишга топшириш ҳоллари бот-бот такрорланиб турарди. Орадан кўп ўтмасдан, бу иморат ва иншоотлар қўшимча маблағ эвазига қайта таъмирланарди. Бундай ҳоллар таассуфки ҳанузгача учраб туради. Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Биринчидан, қурилишлар бизда асосан давлат маблағи ҳисобига олиб борилади. Бинобарин, масъулиятсиз раҳбарлар «менинг ҳамёнимдан кетяптими» қабилида иш тутишади. Яъни маблағ устига маблағ сарфлайверишади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бир неча бор қайта тузилиб, ҳаражатлар кўпайтириб кўрсатилади. Бунинг устига сифатни назорат қилувчилар ва давлат қабул комиссиялари аъзолари томонидан қурилиш сифатига кўпинча панжа орасидан қаралади. Натижада қурилиш муддати чўзилиб, унинг сифатига катта путур етади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу — кадрлар етишмаслиги муаммоси. Қурилишда кўпинча ишчи кучи етишмаса, малакасиз ишчилар жалб қилинади. Айрим ҳолларда эса ишчилар қўнимсизлигини камайтириш учун объектда бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиб ортиқча иш ҳақи тўлашгача бориб етилади. Ушбу салбий ҳолатлар оқибатини мамлакатда қурилган айрим иморат ва иншоотлар «ҳусни-жамоли»да яққол кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида бундай салбий ҳолатлар йўли тўсилади. Чунки бу ерда бозор муносабатларининг энг асосий қонунларидан бири — эркин рақобат ва буюртмачи-истеъмолчи учун кураш ҳаракат қилади. Яъни, қурилиш ташкилотлари ва бинокорлик саноати корхоналари ўртасида ҳам бозорий рақобат пайдо бўлади. Янги иморат, иншоот ва корхона қурдирмоқчи, ёки эскисини таъмирламоқчи бўлган ташкилот ёки шахс бозордагидек савдолашади. Ким арзонроқ, чиройлироқ, тезроқ, пишиқ-пухта, сифатли қилиб қурса—ўшани танлайди. Қурилишни сифатсиз ва қиммат нархда олиб борувчилар эса қийин аҳволга тушадилар, бошқача айтганда, уларнинг «бозори касод»га учрайди.

Шундай экан, эндиликда ҳар қандай қурилиш ташкилоти ёки корхона меҳнат жамоалари истиқболини ўйлаб иш юритишлари, бозор муносабатлари шароитида ишлашнинг ҳадисини олишлари, бу йўлдаги дастлабки долзарб вазифаларни ҳал этишлари керак. Энг муҳими ,иморат-иншоотлар қурилишини ва бинокорлик маҳсулотлари сифатини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари сифати даражаларига кўтариш лозим, Ана шундагина ишлаб чиқариш маҳсули рақобатни кўтара олади.

Менимча, бунинг учун даставвал бир-бири билан чамбарчас боғлиқ қуйидаги вазифаларни бажариш керак: биринчидан, янги, илғор лойиҳалар, чиройли, чидамли ва арзон қурилиш тузилмалари (конструкциялари); зарур хом ашёни ишлаб чиқариш ва уларни қурилишларга тадбиқ этиш лозим. Иккинчидан, ишлаб чиқаришни янги, илғор ва арзон қурилиш асбоб-ускуналари, мосламалар ҳамда техника билан таъминлашни барқарор йўлга қўйиш керак. Учинчидан, қурувчиларга иш ҳақини ишнинг аниқ миқдори, сифати ва жамиятнинг ижтимоий турмуш тарзи билан ўлчаган ҳолда тўлашга ўтиш зарур.

Яна бир муҳим шарт шуки, ҳар бир ишловчига ижтимоий ва маданий-маиший шароитларни муҳайё қилиш билан бирга малакали мутахассис ҳамда ишчи-усталарни бинокорлик ташкилотларига жалб қилиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бериш зарур. Албатта, ташкилот ёки корхонадаги ўз ишига ижодий муносабатда бўлувчи ёш мутахассислар ҳамда ишчи-усталарнинг билим даражасини жаҳондаги илғор қурилиш ташкилотлари тажрибалари асосида пухталаштириб бориш талаб қилинади.

Ана шундай қилинганда, фикримча, қурилиш ишларида бурилиш юз беради. Эркин рақобат туфайли буюртмачи — у хоҳ ташкилот, хоҳ айрим шахс бўлсин — сифатли иморат, иншоот тиклайдиган бўлади. Шу тартибда иш юритилса, йилдан-йилга ўтадиган, «туя ғўшти еган» объектлар қолмайди ёки камаяди. Энг муҳими уста қурувчилар меҳнати қадрланадиган, яратувчилик ишлари ривожланиб, янги-янги иморат ва иншоотлар қад ростлайдиган бўлади. Шаҳар ва қишлоқларимиз ҳуснига ҳусн қўшилади.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги бош техник бошқармасининг қурилишда сифат ва стандартлаш бўлими бошлиғи.

Яқинда жумҳуриятимизда Ўзбекистон халқ академиясига асос солинди. Олим ва муҳандислар, техника ва маданият арбоблари, бу ғояга қўшилган турли соҳа мутахассислари иштирокида Халқ академияси таъсисчиларининг биринчи умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Қуйида янгиликни уннинг ташаббускорлари шарҳлаб берадилар.

ОҚ ЙЎЛ, ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон илмий ва муҳандислар жамиятлари уюшмаси бошқаруви ҳайъатининг раиси, жумҳурият Фанлар академияси вице-президенти **Т. Рашидов:**

— Кейинги пайтда жумҳурият иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар фуқароларимизда илғор фикрларни уйғотди. Ўзбекистоннинг порлоқ эртасидан, унинг мустақил келажагидан умид қилаётган кўпгина кишилар ҳур давлатимиз қучқудрати, илмий-маданий тараққиёти, обрў-эътибори учун ҳисса қўшишни ўзларининг фарзандлик бурчлари, деб билмоқдалар.

Шуниси равшанки, ўзига хос қурилмалар, янги ихтиролар ва технологиялар амалиётга ўз вақтида татбиқ қилинсагина тараққиёт жадаллашади, фан ютуқлари ва илғор ғоялар қиммати ортади, умумманфаатли самаралар олинади. Фанлар академияси ўзининг асосий кучғайратини биринчи галда аниқ фанларни ва назарий муаммоларни ривожлантиришга қаратмоқда. Муҳандислик муаммолари эса тор идоравий манфаатлар даражасида қолиб, амалда фақат тармоқ илмий-тадқиқот институтларидагина ҳал қилинянти.

Ҳозир минтақамизга хос замонавий фанларни ривожлантириш билан бир қаторда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон учун тарихан хос бўлган, хандаса, риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, адабиёт, санъат, тарих, ҳуқуқшунослик соҳаларидаги қадимий анъаналарни қайта тиклаш ва бунинг эвазига кишиларимизга ўз ақли, билим ва қобилияти даражасида иш қилиш, ижодиёт билан шуғулланиш учун имконият яратиб бериш вақти етди. Жумҳуриятимизда жамоатчилик асосида Халқ академияси ташкил қилиниши ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Халқ академияси шахснинг ижодий бунёдкорлик имкониятларини ҳаракатга келтиради. Фикрлар, манфаатлар, эҳтиёжлар хилма-хиллигига йўл очади. Илгари идоравий тўсиқлар, ортиқча қоғозбозлик ва бошқа турли сабабларга кўра ҳаётга татбиқ қилинмай қолган оригинал ишланмаларни амалиётда қўлланиш энди осонлашади.

Бу академия ЎзФА фаолиятидан фарқли ўлароқ ўз таркибида жамоатчилик асосида халқ хўжалигининг таниқли вакилларини, жумладан муҳандислар, жамиятшунослар, халқ ҳунармандчилиги намояндалари, олимлар, тиббиётчилар ва меъморларни бирлаштиради.

ЎзФА мухбир аъзоси, профессор **Ҳ. Пўлатов:**

— Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республика тарихида биринчи марта халқ академияси ташкил бўлмоқда. У расмий фан ташкилотлари обрўсига соя солмаган ҳолда халқни илмга, ижодга чорлайди, моддий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда бойитишга хизмат қилади. Умрбоқий инсонпарварлик ғояларимиз, қадимдан шаклланган удумларимизга таянган ҳолда рихий обидалар, тарихий шахсларга муносабатларни ҳам тубдан ўзгартиришимиз лозим. Табиатни асраш, ер, сув, ер ости ва ер усти бойликларимиздан оқилона фойдаланиш муаммолари халқ донишмандлигисиз ҳал бўлмайди. Халқ академиясининг дастлабки қадамлари осон кечмайди, албатта. Лекин бундан чўчимаслик керак. Хайрли мақсадни кўзлаган эканмиз, бизга таянч бўлган халқимизнинг ўзи мадад беради.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги **С. Н. Усмонов:**

— Ҳар бир халқ инсоният маданияти хазинасига муайян улуш қўшади. Ўзбекистон халқларининг маданий меъросини ўрганиш ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Ўрта Осиёнинг кўп асрлик тарихида машҳур арбоблар қаторида Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Рудакий, Фирдавсий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва бошқа алломалар турганлиги фикримизнинг далилидир. Уларнинг асарларини, уларга ёзилган талқинларни ўз тилида ўқиш халқимизнинг катта орзуси. Айниқса, ёшлар ҳозирги кунгача кўп тарихий далиллардан бехабарлар. Ахир Хоразмда IX—XI асрларда Мамун II-нинг академияси ишлаб турганку! Бу академияга Абу Райҳон Беруний асос солиб, 20 йил раҳбарлик қилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ академияси асрлар қаърида қолиб кетган Мамун II академиясининг тўла ҳуқуқли давомчиси дейиш мумкин.

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти вазири **Л. Ахметов:**

— Йиллар давомида тарих саҳифаларининг катта қисми очилмай қолиб келди, қолган қисми эса ғаразли, узуқ-юлуқ ва чала тарзда ёритилди. Халқ академиясининг яратилиши мана шу нуқсонни бартараф этишга қаратилган. Жуда катта тарихий тажриба янги-янги илмий ишланмаларни халқ хўжалигига жорий этишда муҳандисларнинг маҳоратларини очишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Халқ академияси автотранспортчи муҳандислар учун ҳам илмий йўналишларни кўрсатиб берувчи, илмий ечимларни амалда жорий қилишгача олиб борувчи ўзига хос восита бўлади.

Халқ академиясининг илмий котиби **Х. Қосимов:**

— Халқ академияси жумҳуриятимиздаги минглаб зиёлиларни, халқ ҳунармандларини, турли касб эгаларини ҳам бирлаштиради, жамиятга фойдали ғоялар ва мулоҳазаларни жорий этишнинг тезкор ва амалий йўлларини қидиради. Академияга унвонларга қараб эмас, порлоқ орзу-умидли халқ дардига эш бўлувчи илғор фикрли ватандошларимиз қабул қилинади.

* * *

Умумий йиғилишда халқ академиясининг дастлабки 50 аъзоси сайланди. Ўзбекистон халқ академияси низоми лойиҳаси қабул қилинди.

Халқ академиясининг ҳозирча 10 та бўлими ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилди: Деҳқончилик ва сув таъминоти; тиббиёт, машинасозлик; меъморчилик ва қурилиш; халқ табобати; халқ анъаналари; тижорат ва маиший хизмат; маънавият; фойдали қазилмалар ва табиат муҳофазаси; алоқа ва ахборот; нақлиёт бўлимлари.

Ўзбекистон халқ академияси ҳайъати сайланди. Унинг раиси этиб, ЎзФА вице-президенти илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси раиси академик Т. Р. Рашидов сайланди.

А. АБДУБАННОПОВ.



ЭЛ СОҒЛИҒИ— ЮРТ БОЙЛИГИ

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида талайгина ишлар амалга оширилди. Яқинда Баҳористон районидаги ВЛКСМ ХУП съезди номли давлат хўжалиги марказий қўрғонида 50 ўринли икки қаватли шифохона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шифохонада қишлоқ меҳнаткашлари саломатлигини яхшилаш учун шароитлар муҳайё. Кенг, ёруғ палаталарда ҳамма қулайликлар бор. Бу ерда лаборатория, физиотерапия, стаматология хоналари мавжуд. Беморларни малакали медицина ходимлари даволамоқдалар.

Суратларда: 1. Лаборантлардан Эргаш ва Ражабхол Рўзиевлар. 2. Янги шифохонанинг умумий кўриниши.

Ш. ШАРОПОВ олган суврат. (ЎзТАГ).

● ЛУҚМА

ТИҒИЗ МАВСУМ ТАЛАБИ

ЁКИ НУКУС АЭРОПОРТИДАГИ ҚУШИМЧА РЕЙСЛАР-У ОРТИҚЧА ТАШВИШЛАР ҲАҚИДА

Келинг яхшиси, бир бошдан ҳикоя қилиб қўя қолайлик. Тўғри, Қорақалпоғистон пойтахтидан Ватанимизнинг турли шаҳарларига ҳаво йўли қатнови кенгаймоқда. Июль ойидан Нукус — Москва оралиғида «Ил-86» самолётлари уча бошлади. Киев йўналиши бўйлаб «Ту—154» ҳаво кемалари парвоз қилмоқда.

Бугина эмас. Ёз мавсумида Нукус — Минводи оралиғида учувчи «Ту—154» ҳаво кемаси йўли Симферополгача узайтирилди. Қозон, Актюбинск йўналишларида «ЯК—40» қатнови йўлга қўйилди.

Булар йўловчиларни хурсанд этди, албатта. Лекин бир ой муддат ўрнига 1 йилда ҳам шаҳар билет сотиш кассаси — «Горагентство» биноси ремонти тугамагани ҳақли эътирозларга сабаб бўляпти. Капитал созлаш ишлари ҳаддан ташқари чўзилиб кетгани сабабли йўловчилар билет олиш учун «Нукус», «Тошкент» меҳмонхоналари, авиакассалари, аэропорт ва бошқа жойларга қатнаб билет ололмай овора бўлишмоқда.

Бу аҳволдан шаҳар маъмурлари ва тегишли идора-ташкилотлари бехабар, деб бўлмайди. Аммо улар буни била туриб, ўзларини билмасликка олишлари таажжуб уйғотмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



● *Бозор иқтисодиёти: ютуқлар ва муаммолар*

ЭПЛИ ДЕҲҚОН— ЭЛНИ БОҚАР

Шу пайтгача етиштирилган ҳосилни қандай нархда бўлмасин тезроқ пуллашни ўйлаганмиз. Хуллас, даромад ва соф фойда, қўшимча иш ҳақи, мукофот деб, деҳқонни пулга қизиқтириб қўйдик. У тарвузнинг килограммини етти тийинга сотди — пул қилди. Заводларнинг 20—30 фонзлаб чегиришига рози бўлди — пахтани сотиб пул қилди. Планни бажарайин деб бузоғини гўштга топширди — пул қилди.

Халқимизда «пул бўлди — кул бўлди», — деган нақл бор. Бу нақлни илгари ҳам ҳеч ким ёдидан чиқармаган. Фақат, неки қилсанг — қил, планни бажар, — деб стол муштлаб қисташлардан ҳайиққан деҳқон тола сотмади, чигит сотмади, пахта сотди. Ҳатто ўз пахтасидан 4—5 килограммини кўрпа-тўшаги учун ёки урчуқ билан ип йигириш учун уйида олиб қололмади. Бойси бундай ҳаракат жиноят ҳисобланди. Топган-етиштирганини пулладди. Бундан бойиб ҳам кетмади. Зотан, ишнинг оғирини деҳқон қилади, саноат учун зарур хом ашё тайёрлайди. Элнинг дастурхонини тўлдириб, уст-бошини безайди. Лекин...

Ўттиз беш йил жамоа ва давлат хўжаликларида раҳбар бўлиб, бу гапларни энди гапиряпсизми, деб муштарий эътироз билдириши мумкин. Тўғри, оқимга қарши сузишга журъатим бўлмаганини тан оламан.

1988 йили мен ноҳиямизнинг пахта тозалаш заводига тегирмон усулида ишлашни таклиф қилдим. Пахтамизни ишлаб берганинг учун пулингни ол, толани ва чигитни ўзимиз сотайлик, дедим. Завод бошқаруви бу таклифдан қатъиян бош тортди. Шундан сўнг пахта тозалаш заводлари билан ҳамкорлик қилдик. Улар ҳам пахтанинг 22 фоизини чегириб ташлашди. Бизга деса ярмини чегирсин, фақат пахтадан чиққан толани чегирмаса бўлди, дедик.

Ўша йили пахтамиздан 34 фоиз тола чиқди. Бу ўзларидаги ўртача кўрсаткичдан тўрт фоизга зиёд эди. Бу «ўзбошимчалигимиз» район партия қўмитасига маъқул тушди. Ана шундан сўнг Шеробод заводи пахтани хўжаликларга тегирмон усулида ишлаб беришга кўчди.

Тегирмон усулидан кўрган нафимиз ёмон эмас. 1989 йили 1000 тонна толани чет элга сотдик. Бунинг эвазига лойиҳа қиммати 2 миллион 670 минг долларлик касалхонани «ундирдик». Югославиянинг «Ибне» қурилиш фирмаси яқинда бу ишни бошлаб юборади. Бу касалхона жаҳон стандарти даражасидаги энг замонавий тиббий ускуна-аппаратлар билан жиҳозланади. Ҳозирдан врач-ҳакимларнинг малакаси оширилмоқда. Шу касалхонада ишлайдиган ходимлар учун хўжалик 20 та уйжой қура бошлади. Касалхона хўжалик иқтисодини мустаҳкамловчи муҳим тармоқ сифатида иш юритади. Мен бу ишни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлаш, деб биламан. Фаолиятни шу тартибда давом эттирадиган бўлсак, деҳқоннинг ҳам елкасига офтоб тегади, деб ўйлайман.

Лекин, афсуски, деҳқоннинг олди-сотди ишларини марказдан туриб қатъий бошқариш, жиловни маҳкам тутиб туриш ҳамон давом этмоқда. Менга қолса (умуман, хўжалигимиз аъзоларининг фикри ҳам шундай) шу йилдан бошлаб полиз учун ажратилган майдонларга тарвуз эмас, қовун (айниқса, қовуннинг тиркиш навини) эктирган бўлардим. Биз тарвуз экдик. Чунки тарвуз экиб полиз планини бажариш осон. Хўш, нима учун қовунни афзал кўрамиз. Ҳатто. пахта учун ажратилган майдонни қисқартириб қовун етиштиришни кўпайтириш ниятимиз бор. Сабаби, қовуннинг ҳар гектаридан 30 минг сўмгача даромад олиш, шунингдек, қоқи тайёрлаб, жаҳон бозорига чиқаришимиз ҳам мумкин. Пахта толасини жаҳон бозорига олиб чиқишимиз мушкул бўлиб турган ҳозирги шароитда қовун қоқисини олиб чиқишга кўзимиз етмайди. Бу гапни баҳонага йўйишлари, ният бор бўлса, қовунни ғалланинг ўрнига экаверинг, дейишлари мумкин. Тўғри, эътироз. Лекин қовун экайлик, кунжут, хина (четда хина сувининг бозори чаққон) экайлик, деймизу, уруғ тополмаймиз. Ҳа, пахта деб, тарвуз деб кўпгина зироатларнинг, ҳатто уруғини йўқотиб қўйдик.

Ҳар қалай қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ғишт заводи, оҳак ишлаб чиқариш цехи, жувоз, сув тегирмони ишлаб турибди. Биз икки квартирали ДСБ—3 темир-бетон уйлар қурилишидан воз кечдик. «Узгипросельстрой» лойиҳалаш институти тавсияси билан қурилаётган бу уйлар иқлим шароитига тўғри келмайди. Яна денг шу лойиҳадаги уйларнинг олдидаги томорқа тўрт сотихдан ошмайди. Одамлар бундай уйларга вақтинча кўчиб киришади. Томорқа олиб, қайтадан уй қуришади. 70—75 минг сўмга қурилган ДСБ—3 уйлари шу зайилда қўлдан-қўлга ўтиб, қаровсиз бўлиб қолаверади.

Аҳолига уй-жой қуришда бошқача ёрдам кўрсатяпмиз. Бирор киши томорқа олдими, совхоз уйнинг пойдеворини қуради, пишиқ ғиштдан девор кўтаради. Уйнинг томини ёпиш ва пардозлаш ишларини уй эгаси дидига қараб қилаверади. Бу ишимиз ҳаммага маъқул тушмоқда.

Ишчиларимизнинг иш ҳақини 1991 йилдан чорак фоизга оширдик. 42 та кам даромадли оилага ойига 2200 сўмни тақсимлаб беряпмиз. 40 нафар Қаҳрамон онага ойига 40 сўмдан қўшимча нафақа белгиладик. 52 талабага, 52 нафар мактаб ўқувчисига стипендия белгилаганмиз. Ҳозир ғазнамизда 14 миллион сўм пулимиз бор.

Бироқ миллионлаб пулимиз бўлишига қарамасдан биз тўкин-сочинликда яшаяпмиз, деб айта олмаймиз. Қимматчилик, тақчиллик Шеробод чўлида жойлашган бизнинг хўжалигимизни ҳам боғлаб қўйгандай.

Айтмоқчиманки, хўжалик ғазнасида юз миллион сўм маблағи бўлганидан кўра, фабрика ёки заводи бўлгани афзал экан. Чунки чигит экишни билган одам ип йигиришни ҳам, тола тўқишни ҳам, матога гул босишни ҳам билмоғи керак.

Дала четларида, ариқларнинг бўйида ўтқазилган юз минг тупга яқин мевали дарахтларимиз ҳосилга кирди. Қўйиб берсангиз, айрим йўловчилар ўша мевадан машиналарини тўлғазиб олмоқчи бўладилар. Бу тўғриси, одамларнинг кўзи очлигидан нишона. Жиноятчиликнинг ўсиб бораётгани — ўғирлик, қароқчилик, товламачилик, бировнинг ҳақига хиёнат кўпаяётганлиги ҳам шу одамларнинг кўзи очлигидан. Агар жиноятчиликни милиция хизмати йўли билан бартараф этиш мумкин бўлганида эди, бу иллат жамиятимизда аллақачон йўқолиб кетган бўларди.

Тўкинлик бўлмоғи керак. Тўкинликни деҳқон яратади. Тўкинлик бор жойда ўғирлик бўлмайди. Демак, жамиятнинг теран томирлари маънавиятини бободеҳқон яратади. Бугунги деҳқон эса, ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай бошқарув идорасидаги оддий ходимнинг маошидан ҳам паст маош олиб яшамоқда. Елкаси қисилиб яшамоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг харид нархи ошди-ку, — деб деҳқонни овутишимиз мумкин. Лекин моддий техника таъминоти қиммат, солиқлар, тўловлар деҳқоннинг даромадини ўпқон сингари ютиб юбормоқда.

Мен юқорида одамларга кўрсатаётган саховатларимизни санаб ўтдим. Бу — хайрли иш. «Хайт» деган туяга мадор, — дейдилар. Лекин бу билан иш битадиган кўринмайди. Пойдеворни мустаҳкамлаб керак. Деҳқони фаровон яшаган эл фаровон эл бўлади.

Очил ЗИЕҚУЛОВ,
Шеробод ноҳиясидаги «Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалигининг директори.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгашининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида ССР Иттифоқи ва республикалар қонун асосларини кучга киритиш ҳақида»ги 1991 йил 15 январь қарорини бажариш юзасидан СССР Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1 Қуйидагилар тавсия этилсин:

а) республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари иш билан таъминлаш Давлат шўъбасининг таклифига биноан ва унинг иштирокида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш чораларини кўрсинлар. Маҳаллий ва республика даражасидаги иш билан таъминлаш давлат дастурларида ишларнинг ана шундай ҳамма бажара оладиган ва одатда, махсус касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган турлари ҳажми кўзда тутилсин;

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги республикаларнинг ҳукуматлари, манфаатдор СССР вазирликлари ва идоралари иштирокида иш билан таъминлашнинг давлат Умумиттифоқ дастурларини ишлаб чиқиш чоғида аҳолининг жамоат ишларига жалб этиладиган табақаларига қараб, бундай ишларни ривожлантиришга доир фаразларни, уларни ташкил этиш шаклларини ҳисобга олсин ва 1992 йилдан бошлаб республикаларнинг таклифларига биноан иш билан таъминлаш Иттифоқ жамғармаси бошқаруви билан биргаликда айрим ҳудудларда мазкур ишларни бажариш учун жамғармадан аниқ мақсадни кўзлаб маблағ ажратишни кўзда тутсин.

б) халқ депутатлари маҳаллий Советлари:

иш билан таъминлаш Давлат шўъбасининг таклифига биноан иш билан таъминлашга кўмаклашишни мувофиқлаштириш комитетлари иштирокида, районда (шаҳарда) фуқароларни ишга жойлаштириш заруратидан келиб чиқиб ва иш билан таъминланмаган аҳолининг таркибини ҳисобга олиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг аниқ турлари ва ҳажмларини белгиласинлар.

Бунда биринчи навбатда ишсизлар ва иш билан банд бўлмаган фуқаролар район (шаҳар) ҳудудини ободонлаштиришга;

уй-жой биноларини, касалхоналар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, кексалар ва ногиронларнинг интернат уйлари ва ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларини қуриш (ремонт қилиш) ишларини бажаришда қурилиш ташкилотларига ёрдам беришга; баҳорги дала ишлари даврида, пичан ўримида, ҳосилни ўриб-йиғиб олишда қишлоққа ёрдам беришга, сабзавот базаларида ишлашга; кексалар ва ногиронларга қараб туришга; ишларнинг ҳамма учун осон бўлган бошқа турларини бажаришга жалб этилсин;

маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўйсунувчи корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда қўшимча иш жойлари, жумладан, иш билан таъминлашнинг ўзгарувчан шаклларини қўлланиладиган иш жойлари барпо этилсин, шунингдек, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклари қандай бўлишидан қатъи назар, ўзга корхоналарда ана шундай иш жойларини барпо этиш шартлари ва тартибини аниқласин. Мазкур иш жойлари, аввало, маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, савдо, умумий овқатланиш, маданият ва спорт соҳаларида аҳолининг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб барпо этилади;

уларнинг тасарруфига тушадиган маблағ доирасида иш қидиришда қийинчилик сезаётган фуқаролар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этган корхоналар учун солиқ солишда имтиёзлар белгилансин ҳамда улар маҳаллий бюджетга тўловлардан тўла ёки қисман озод қилиб қўйилсин;

аҳоли, шунингдек, корхоналар районда (шаҳарда) ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ўтказилиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва бундай ишларни бажариш чоғида имтиёзлар бериш тўғрисида аҳоли ва корхоналар кенг хабардор этилиши таъминлансин.

2. Ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига шартнома тузиш учун устивор ҳуқуққа эгадирлар. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига фуқаролар давлат иш билан таъминлаш шўъбаси идоралари томонидан юборилади.

Фуқароларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштироки уларнинг ихтиёрийлиги асосида ва меҳнат қонунлари меъёрларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Хавфли, зарарли ва ноқулай ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ ишларга юбориладиган фуқаролар амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибда мажбурий равишда тиббий текширувдан ўтадилар.

Авариялларнинг, табиий офатларнинг ва шу каби бошқа воқеаларнинг оқибатларини тугатиш зарурати билан боғлиқ фаолият турлари ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қаторига киритилишига йўл қўйилмайди.

3. Корхона жамоат ишларида қатнашишни хоҳловчи шахслар билан икки ой муддатгача шартнома тузади, бу шартномада уни узайтириш ҳуқуқи, меҳнат шароитлари, шу жумладан, қанча ҳақ тўланиши кўрсатилади. Ходим доимий иш топган тақдирда мазкур шартномалар бекор қилиниши керак.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида меҳнат учун корхона маблағи ҳисобидан қўшимча мукофот миқдорлари жамоат шартномаларида (битимларида) белгилаб қўйилади.

4. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажараётган ходимларга иш вақтининг давомийлиги, умумий ва узлуксиз меҳнат стажини ҳисоблаш меҳнат тўғрисидаги қонунга мувофиқ белгиланади.

Корхоналарга ҳақ тўланадиган жамоат ишларида банд бўлган ходимларнинг айрим тоифаларига (болалари балоғатга етмаган аёлларга, ногиронларга) бажарган ишига ёки ишлаган вақтига қараб ҳақ тўлаш шарти билан тўла бўлмаган иш кунида (иш ҳафтасида) ишлаш имконини бериш, шунингдек, иш куни ва иш ҳафтасини ташкил этишнинг ўзгарувчан шаклларини қўлланиш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан ва зарур бўлган тақдирда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган дотациядан фойдаланиб пул билан таъминланади. Бунда дотация миқдори ҳар йили иш билан таъминлаш Давлат шўъбаси юқори идораси томонидан республика Қонунига мувофиқ белгиланади. Мазкур дотациялар жамоат ишларини бажараётган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланиши лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари корхоналар билан шартнома асосида ташкил этадиган жамоат ишларига ҳақ тўлашга пул одатда ана шу корхоналар маблағи ҳисобидан ажратилади.

6. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишни назорат қилиш иш билан таъминлаш Давлат шўъбаси инспекцияси зиммасига юклатилсин.

7. СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги республикаларнинг ҳукуматлари ҳамда касаба уюшмалари иштирокида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш тўғрисида намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

х—бундан буён корхона деб юритилади.

СССРДАН КЕТИШ ВА СССРГА КЕЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ЧОҒИДА ДАВЛАТ БОЖИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. СССР Олий Кенгаши «СССР фуқароларининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан кетиши ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига келиши тартиби тўғрисида» СССР қонунини қабул қилганлиги муносабати билан СССР Вазирлар Кенгашининг 1979 йил 29 июндаги 648-сонли «Давлат божи миқдорлари тўғрисида» (СССР қарорлари тўплами, 1979 йил, 20-сон, 122-модда)даги қарорига қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин:

5-банднинг «А» — «Л» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда берилсин:

а) СССР фуқароларига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган хорижий паспортлар бериш ёки ушбу паспортларнинг амал қилиш муддатини узайтирнш учун 1000 сўм

б) СССР фуқаросининг паспортига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган қўшимча варақ бериш ёки варақнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун 200 сўм

в) фуқаролиги бўлмаган шахсга чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бериш ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун 200 сўм

г) СССРдан кетиш учун хорижий паспортга ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатга рухсатнома бериш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва фуқаролиги бўлмаган шахсга кетишга рухсатнома бериш учун 50 сўм

д) хорижий паспортга ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатга СССРдан кетиш ва айни вақтда СССРга келишга рухсатнома бериш ёки ушбу рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун 100сўм

е) СССРдан кетиш ва СССРга келиш учун илгари берилган ҳужжатларга қандайдир ўзгаришлар (амал қилиш муддатини узайтиришдан ташқари) киритиш учун 50 сўм

ж) СССР фуқароларига, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган кишиларга СССРга таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун 50 сўм

з) хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга шу ерда яшашга рухсат бериш ёки бундай рухсатнома муддатини узайтириш, хорижий паспортлар ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтириш учун 50 сўм

и) хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга йўқотилган рухсатнома ўрнига шу ерда яшашга рухсатнома бериш учун 50 сўм

к) СССР фуқаролигига қабул қилиш ёки СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан 500 сўм

л) йўқотилган хорижий паспортларни ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни, СССР фуқароси паспортига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган қўшимча варақ ёки СССРга таклиф этиш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун мазкур банднинг «А», «Д» ва «Ж» кичик бандларида кўрсатилган миқдорга мувофиқ;

5-банд қуйидаги мазмундаги изоҳлар билан тўлдирилсин:

«Изоҳлар: 1. Фуқароларнинг СССРдан кетиш ва СССРга келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ёки СССРга келиш тўғрисидаги таклифномаларни муддатидан илгари расмийлаштириш ёхуд мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризалари бўлган тақдирда давлат божининг миқдори 50 фоиз кўпаяди.

2. Қуйидаги ҳолларда давлат божининг миқдори 50 фоиз камаяди:

а) Улуғ Ватан урушн қатнашчиларига, СССРни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа ҳарбий операцияларда ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматини ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда собиқ партизанларга хорижий паспортлар, уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар бериш, шунингдек СССР фуқароси паспортига чет элга кетиш ҳуқуқини берадиган қўшимча варақ бериш ёхуд мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун;

б) 16 ёшгача бўлган болаларга чет элга кетиш ҳуқуқини берувчи хорижий паспорт беришда.

3. Чет элларда ва СССР ҳудудида бажарилдиган консуллик ҳаракатлари учун СССР консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ консуллик йиғимлари олинади. Консуллик йиғимлари тарифини СССР Ташқи ишлар вазирлиги амалдаги қонунларга асосан СССР Молия вазирлиги билан келишиб белгилайди.

2. Қарор 1991 йил 1 июлдан кучга киритилган.

• Ўзбекистон ва жаҳон •

Ассалому алайкум қадрдон элим,
Тилимда аввало муқаддас калом.
Ассалом дейишдан яйрайдн дилим,
Ассалому алайкум, салом-ассалом.

Ҳар субҳидам радиодан шу қўшиқни эшитганда ногаҳон юраклар энтикиб кетади. Бўлмасам-чи, ахир шу қўшиқ, шу муқаддас калом соғинч тўла қалбларимизга юрт дарагини, Ватан нафасини олиб киради-да.

Сўнгра, «Муҳтарам ватандошлар, сиз Тошкентдан «Ватандош» радиостанциясини тинглаяпсиз. Ҳаво мавжларида «Субҳидам» хабарли-мусиқий эшиттириш» дея жондан азиз Ўзбекистонимиз ҳаётидан ҳикоя бошланади...

Бу сатрлар олис Афғонистонда истиқомат қилувчи ватандошимиз Мирмаҳмуд Илёсийнинг чет эллардаги биродарларимиз учун ўзбек тилида эшиттиришлар тайёрловчи «Ватандош» радиостанциясига йўллаган мактубидан олинди. Шуниси қувончлики, бундай юрак сўзлари битилган хатлар Туркия, Саудия Арабистони, Шинжонг, Япония ва Австралиядан ҳам кела бошлади. Демак, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси чет элларга эшиттиришлар шўъбасининг «Ватандош» радиостанцияси она юрт нафасини ватандошлар қалбига етказмоқдалар.

ҲАВО МАВЖЛАРИДА ВАТАН НАФАСИ

«Ватандош» радиостанцияси ишга тушганига эса бу йил 30 йил бўлди. Мана ўттиз йилдирки, ҳаво мавжларида «Шараф» куйи жўрлигида Тошкент чорлови жаранглайди. Ватандошларга аталган бу чорлов бутун дунё бўйлаб янграйди. Ҳар хил сабабларга кўра, тақдир тақозоси билан она диёрдан олис тушган ва турли мамлакатларда истиқомат қилаётган ўзбек биродарларимиз жуда кўп. Улар ҳар қанча яхши, бой ва бадавлат, юқори мартабаларни эгаллаб турган бўлсаларда она юрт соғинчи билан яшайдилар. Ана шундай кишиларни она диёрлари — Ўзбекистон ҳаётидан воқиф этиб бориш, хориждаги ватандошларимиз билан алоқа ўрнатиш мақсадида иш бошлаган «Ватандош» радиостанцияси бу савобли вазифани холисона бажариб келмоқда. Хориждаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон «Ватан» жамияти тасарруфида бўлган бу радиостанцияга дунёнинг турли бурчакларидан келаётган хатлар шундан далолат бермоқда.

— «Ватандош» радиостанцияси ташкил топган дастлабки йиллари кунига ярим соатдан эшиттириш берар эди, — дейди редакция бош муҳарири Тўлаган Тўхтаев. — Ўшанда журналистлардан Зиё Аминов, Жаҳонгир Абдураҳмонов, наттоқлар Туйғуной Юнусхўжаева, Қодир Махсумовлар хориждаги юртдошларга яхши эшиттиришлар тайёрлаш учун жон куйдиришар, бунга академиклар Қори Ниёзий, Ғафур Ғулом, Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий фаол кўмаклашардилар. Кейинчалик Маҳкам Рихсиев, Абдужалол Давронов сингари ўткир қалам соҳиблари, Инобат Юсупова, Мамлакат Пўлатова, Неъмат Муродов каби сўз усталари Ўзбекистон нафасини хориждаги биродарларимизга етказиб турдилар.

Эндиликда «Ватандош» радиостанцияси эшиттиришларининг вақти анча кўпайди. Хориждаги юртдошларимиз 2 соату 40 дақиқа мобайнида Ўзбекистон овозини эшитишга муваффақ бўлмоқдалар. Табиийки, ўтган давр ичида эшиттиришлар мазмуни ва савияси ҳам анча ўзгарди. Жумҳурият ҳаётида юз бераётган ҳар бир ўзгариш, ўзбекистонликлар турмуш тарзи, янгиланиш ва қайта қуриш жараёни радио эшиттиришларда ўз аксини топмоқда. Айниқса қадриятларимизга қайтиш мавзуи эшиттиришлар мазмунини бойитмоқда. Энг муҳими «Ватандош» радиостанцияси дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи самовий кўприк ролини ўтамоқда. Серқуёш ўлкамизга ташриф буюрувчи ажнабий меҳмонлар, саёҳатчилар ва олимлар, жамоат арбоблари ва сармоядорлари Ўзбекистондан олган таассуротлари ҳақида ўртоқлашмоқдалар, давлатларимиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқдалар.

Ўзбекистон овозини олис ўлкалардаги биродарларимизга етказишда «Ватандош» радиостанциясининг жонкуярлари Мавжуда Йўлдошева, Ғайрат Раҳматуллаев, Файзулла Юнусов, Сотволди Усмоновларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Саудия Арабистонидан Неъматулла Ҳаким, Афғонистондан Мирмаҳмуд Илёсий ва Бурҳониддин Намиқ, Туркиядан Акрам Оқчой ва Ўрўж Қовунчи сингари радиотингловчиларнинг дил сўзлари битилган мактубларини оларкан «Ватандош» ходимларининг илҳоми янада жўшади. Узоқ юртларда она-Ватан ёди билан яшаётган биродарларга Ўзбекистон овозини, Ўзбекистон соғинчини, Ўзбекистон саломини етказаётганлари, қардошлик ва ишонч туйғуларини жўш урдираётганлари билан янада фахрланадилар.

Мустақиллик сари қадам қўяётган, ўз қадриятларини тиклаб, халқаро майдонга суверен давлат сифатида чиқишга интилаётган Ўзбекистон ёди билан яшаётган дўсту биродарларимиз унинг ҳар бир шаҳдам қадамга умид билан кўз тутмоқдалар. Шу боисдан ҳар куни эрталаб ва кечқурунлари бериладиган «Ватандош» радиостанцияси эшиттиришларини жон қулоқлари билан тинглайдилар.

Мана бугун ҳам одатдагидай радио қулоғини бураб таниш овозни эшитадилар:

— Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар. Сиз Тошкентдан «Ватандош» радиостанцияси эшиттиришларини тинглаяпсиз. Сиз азиз радиотингловчиларимизни, эшиттиришларимизнинг барча ихлосмандларини «Ватандош» радиосининг 30 йиллиги билан табриклаймиз ва бар-чангизга юртимиз нафасини етказувчи мусиқали салом йўллаймиз...

Ф. ШОҲИСМОИЛ.

СУРАТДА: «Ватандош» радиостанцияси кормандлари (ўнгдан чапга-: ижтимоий-сиёсий бўлим мудири Ф. Юнусов, бош муҳаррир Т. Тўхтаев, катта муҳаррир М. Қодирова, сиёсий шарҳловчи М. Йўлдошева ҳамда мусиқали эшиттиришлар муҳаррири О. Йўлчиева навбатдаги кун эшиттиришлар дастурини режалаштирмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

АХБОРОТ

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Яқинда Қўрғонтепа районидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли 3-ўрта мактабни бундан 20 йил аввал тамомлаган собиқ битирувчилар мактабга тўпландилар. Собитжон Ҳамроқулов, Маъмуржон Рўзибоев, Баракатхон Маматалиева, Абдусалом Сатторов каби бир гуруҳ синфдошлар маслаҳатлашиб, мактабнинг катта мажлислар хонасини таъмирлашга қарор қилдилар. Улар шу мақсадда 5 минг сўм маблағ тўпладилар.

Бу ташаббусни район халқ таълими бўлими қўллаб-қувватлади. Халқ таълими мутасаддилари Қўрғонтепа матлубот жамияти ҳисобига 19 минг сўм маблағ ўтказди. Мажлислар хонасига 180 ўринли юмшоқ ўриндиқлар ўрнатилди, дераза-эшиклар созланди, янги ёритгичлар ўрнатилиб, таъмирлаш ишлари поёнига етказилди.

Собиқ битирувчи, ис[illegible]додли рассом Маҳмуджон Рўзиев эса хона деворларига бадиий безак берди.

С. ИСМОИЛОВ.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ЭСТЕТИКАСИ

Олтиариқ районидаги Абдураҳмон Жомий номли 10-ўрта мактабда тарих ва жамиятшунослик фанидан дарс бераман. Тўғриси, ўрта мактаб ўқувчиларига бу фанлардан берилаётган машғулотлардан қониқиш ҳосил қилмайман. Ҳақоний тарихимиз ҳақидаги мунозарали фикрлар эътиборга олиниб, дарслар янги дастур асосида ўтиляпти. Лекин ўқув дарсликлари ўша-ўша, эски.

Шундай бўлгач, қандай қилиб ўқувчига талаб даражасида билим бериш мумкин. Шу боис ўқувчилар бу йил тарих фанидан давлат имтиҳони топширмадилар. Ўрта мактабни тамомлаётган ёшларимиз тарихимизни ҳақконийлигича, бутун мураккабликлари билан билса ва ўзлаштиришсагина бу соҳадаги тўпланиб турган муаммоларни ечиш мумкин.

Шу ўринда яна бир мулоҳазали фикрни айтиб ўтиш даркор. Олти йилдирки, ўрта мактабларда «Оила эстетикаси ва психологияси» фани ўтиляпти. Афсуски, дарсликда миллий урф-одатлар, удумларимиз, шаҳрона оила этикаси ва тарбиясига кам эътибор берилган. Жумҳуриятимиз мутахассис олимлари бу фан бўйича мукаммал дарслик яратсалар айни муддао бўларди.

Ф. ЕТМИШОВА,
ўқитувчи.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: рус тили, сиёсатшунослик ва совет ҳуқуқи билан бирга фалсафа, нормал анатомия, шарқ тиббиёти, кўз касалликлари, умумий жарроҳлик, болалар жарроҳлиги, поликлиника таълими ички касалликлари, 2-акушерлик ва гинекология, жисмоний тарбия, профпатология, 3-акушерлик ва гинекология, тропик тиббиёт ва эпидемиология курси билан бирга юқумли касалликлар (фан докторлари ёки номзодлари);

профессорлар: сиёсатшунослик ва совет ҳуқуқи билан бирга фалсафа (1,5), нормал анатомия, онкология, умумий жарроҳлик, госпиталь терапияси (0,25 ставкалар бўйича 4 ўрин), поликлиника таълими ички касалликлари, эпидемиология (0,25 ставка), болалар юқумли касалликлари билан бирга болалар касалликлари (0,25 фан докторлари ёки номзодлари);

доцентлар: тарих, тиббиёт культурологияси ва тарихи (2), сиёсатшунослик ва совет ҳуқуқи билан бирга фалсафа, сиёсий иқтисод, нормал физиология, суд тиббиёти, шарқ тиббиёти, кўз касалликлари қулоқ, бурун, томоқ касалликлари, урология, умумий жарроҳлик, 2-акушерлик ва гинекология (2), профпатология, эпидемиология билан бирга юқумли касалликлар, 3-акушерлик ва гинекология, эпидемиология, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, тропик тиббиёт курси билан бирга юқумли касалликлар;

катта ўқитувчилар: тарих, тиббиёт культурологияси ва тарихи, чет эллик талабалар учун рус тили, сиёсатшунослик ва совет ҳуқуқи билан бирга фалсафа (4), сиёсий иқтисод (2), патологик физиология, биокимё, медбиофизика, микробиология, радиацион гигиена билан бирга умумий гигиена (3), чет тиллар (2), жисмоний тарбия (4), эпидемиология, меҳнат гигиенаси, овқатланиш гигиенаси (2), гистология;

ассистентлар: патологик физиология (2), нормал физиология, (2), патологик анатомия (2), нормал анатомия (2), гистология (2), шарқ тиббиёти (3), анестезиология ва реаниматология (5), кўз касалликлари, энгак юз жарроҳлиги курси, руҳий касалликлар (3), тери-таносил касалликлари (3), сил касаллиги (3), урология, ҳарбий-дала терапияси ва лаборатория диагностикаси билан бирга гематология, факультет терапияси (2), госпиталь терапияси, факультет жарроҳлиги (5), госпиталь жарроҳлиги (4), болалар жарроҳлиги, биология (2), умумий ва биоорганик кимё, микробиологияда соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан бирга ижтимоий гигиена, радиацион гигиена билан бирга умумий гигиена (2), профпатология (2), травматология, ортопедия ва нейрожарроҳлик билан бирга ҳарбий-дала жарроҳлиги (3), эпидемиология (14), жисмоний даволаш тарбияси ва физиотерапия билан бирга врачлик назорати, меҳнат гигиенаси, (6), овқатланиш гигиенаси (5), коммунал гигиена (7), болалар ва ўсмирлар гигиенаси (4), болалар юқумли касалликлари билан бирга болалар касалликлари (3), нурланиш диагностикаси ва нурланиш терапияси, эпидемиология билан бирга юқумли касалликлар (2);

ўқитувчилар: тарих, тиббиёт культурологияси ва тарихи (2), рус тили, сиёсатшунослик ва совет ҳуқуқи билан бирга фалсафа (2,5), жисмоний тарбия (7);

МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ БЎЙИЧА

бўлимларнинг раҳбарлари: моделлаштириш ва экспериментал терапия, иммунология, гигиена ва токсикология, перитонит, микробиология, тадқиқотларнинг физик-кимёвий услублари, молекуляр фармакология, даволашнинг экстро-корпорал услублари, эндокринология (фан докторлари ёки номзодлари);

катта илмий ходимлар: моделлаштириш ва экспериментал терапия (2), биокимё (2), иммунология (2), гигиена ва токсикология (2), микробиология, молекуляр фармакология, даволашнинг экстро-корпорал услублари (2), эндокринология (фан номзодлари);

кичик илмий ходимлар: моделлаштириш ва экспериментал терапия (4), биокимё (4), иммунология (2), гигиена ва токсикология (4), перитонит, микробиология (2), даволашнинг экстрокорпорал услублари (2), эндокринология.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ СЕКТОРИ БЎЙИЧА

раҳбар (фан номзоди).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй. Телефон 46-88-86.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БУЛУНҒУР НОҲИЯСИДАГИ 5-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
9-синфни битирган ва ўрта маълумотли йигит-қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-синфни битирган йигит-қизлар билим юртида уч йил ўқиб, қуйидаги мутахассисликларни эгаллашлари мумкин: мелиорация ишлари механизаторлари, автомобиль ва тракторларни таъмирловчи чилангарлар, кенг малакали тракторчи-машинистлар, пойабзал фабрикалари учун бичувчи, қолипловчи ва тикувчилар.

Ўрта маълумотли йигитлар ва қизлар 1 йил ўқиб, қуйидаги мутахассисликларни эгаллайдилар: иш юритувчи котиба-машинистикалар, экскаватор машинистлари, пойабзал фабрикалари учун бичувчи колипловчи ва тикувчилар, автомобиль ва тракторларни таъмирловчи чилангарлар.

Билим юртига кириб уч йил ўқиган талабалар, ўрта маълумоти ва мутахассислиги бўйича диплом, 3-класс тракторчилик ва машинистлик гувоҳномаларини олиб чиқадилар. Бир йиллик гуруҳларни битирганлар-мутахассислиги бўйича диплом, 3-класс тракторчилик ва машинистлик гувоҳномасини оладилар.

Билим юртида ўқиш даври умумий меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло баҳоларга тугатган талабаларга медаль ва имтиёзли диплом, 75 фоиз аъло баҳолар билан битирган талабаларга эса имтиёзли диплом берилади. Бундай диплом олганлар ўзлари эгаллаган мутахассислик бўйича малакасини янада оширишни истаса, олий ўқув юртларининг шу соҳага тегишли қўллиётларига ўқишга суҳбат асосида қабул қилинадилар. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан билим юртига қабул қилинадиган талабалар ва уларнинг ота-оналарига катта ҳажмда моддий ёрдам бериш кўзда тутилган. Жумладан, ота-онаси бўлмаган етим болаларга ойига қўшимча 80 сўм дан 105 сўмгача, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда Улуғ Ватан уруши ногиронларининг фарзандларига 60, 80 сўмгача, талабаларга 40 сўм, «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқийдиганларга ойига 45 сўм, аъло баҳолар билан ўқийдиганларга 50 сўм миқдорида, оилали талабаларга 50 сўмдан 60 сўмгача берилади. Бундан ташқари ўқишга қабул қилинган талабалар бепул кийим-кечак, ётоқхона билан ҳар куни 4 махал иссиқ овқат билан таъминланади. Билим юртида талабаларнинг пухта билим олишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган фан кабинетлари трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар бўйича амалий машғулотлар ўтказиш жойлари, замонавий техникалар сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Бундан ташқари бу ерда вокал чолғу, миллий ансамбль, драма, бадиий ҳаваскорлик, киномеханиклик, ўлкашунослик ва бошқа тугараклар ҳамда спорт секциялари мунтазам фаолият кўрастмоқда.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, 3х4 фм. ҳажмидаги фотосурат, соғлиги тўғрисида 086/У шаклдаги маълумотнома, таржимаи ҳол.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти манзилгоҳи: Самарқанд вилояти, Булунғур ноҳияси, Красногвардейск шаҳри, «ВЛКСМ 30 йиллиги» кўчаси, 105-уй.

Қабул комиссияси. Телефон 7-56-90.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

ЕНГИЛ САНОАТ ХОМАШЁСИ ВА МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА СОТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ
/Узглавлегснабсбит/
1 — 10 АВГУСТ

КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

/Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй/

1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТЎҚИМачилик маҳсулотлари, калаваланган иплар, ип газлама фурнитура ва бошқа молларнинг улгуржи савдоси бўйича

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш давлат-кооператив маркази, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекистон ССР Кадрлар жамияти, Ўзбекистон ССР Кўрлар жамияти, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг корхоналари ҳамда ип газлама ва шоҳи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар ярмаркада иштирок этиш учун таклиф этиладилар.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 54-54-61, 54-37-98.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

Ғ. А. МАВЛОНОВ НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ

геофизика кундузги — 2 та, сиртқи — 1 та/, муҳандислик геологияси, музшунослик ва заминшунослик /кундузги — 1 та /ихтисослари бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1991 йилнинг 1 ноябригача қабул қилинади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Хуршид кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 41-52-00, 41-45-51.

Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги

Х. С. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

нефть маҳсулотлари ва таркибида спирт мавжуд бўлган суюқликларни тадқиқ этиш — кимё, тупроқ иншоотларини тадқиқ этиш — тупроқшунослик, ҳисоблаш машиналарининг дастурий таъминоти ихтисослари бўйича илмий ходимлар

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳарририятига
малакали корректорлар

КЕРАК

Тошкент шаҳрида доимий яшовчи кишилар ишга таклиф этилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй. Маълумотлар учун 3-қават, 343хонага мурожаат қилса бўлади. Телефонлар: 33-79-14, 32-53-05.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Адабиёт илмгоҳи жамоаси илмий ходим А. Бозоровга отаси

Ваҳожон БОЗОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш Тошкент уюшмаси жамоаси бош мутахассис

Эркин Тўлаганович ҲАМИДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

• Ўзбекистон ва жаҳон •

ФУТБОЛ

ҲУЖУМ—ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

Ён дафтарга навбатдаги тур натижалари қайд этилди. Шу билан келгуси турга хаёлан кўчиш мумкин.

«Ҳужум — энг яхши ҳимоя». Шундай ўй билан йигирма биринчи тур ўйинларига назар ташлайлик. Беш учрашувда кучлар асосан тенг келди: иккита ўйинда майдон эгалари ғалаба қозониб, бир ўйинни дуранг натижа билан якунлашди. Қолган икки ўйинда эса мезбонлар доғда қолишди.

Ҳисобот турининг яна ўзига хос жиҳати кўзга ташланди. Ўтган йили кучлилар сафидан жой олган жамоалар бу йил ўз ўрнини сақлаб қолиш учун астойдил курашяптилар. Чиндан ҳам «Пахтакор», «Металлург», «Локомотив» ва «Спартак» (Владикавказ) футболчилари аҳволни ўнглаш йўлида астойдил интилишмоқда.

Москва спартакчилари бу йил юксак совринларга даъвогарлардан бири ҳисобланишади. Улар кейинги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, ғалабага эришмоқдалар. Спартакчилар меҳмонда «Днепр» устидан 2:0 ҳисобида ғалабага эришиб, биринчи ўринга кўтарилишди.

Москва ва Киев динамочилари учрашувида ягона тўп ўйин тақдирини ҳал этди. Кобелев 69-минутда киритган тўп москвалик динамочиларга ғалаба келтирди. «Шахтёр» меҳмонда «Черноморец» билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Владикавказ спортчилари «Арарат»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Мусобақа жадвали билан танишинг. (Унда кеча ўтказилган «Торпедо» — «Локомотив», «Металлист» — «Динамо» (Минск) учрашувлари натижаси ҳисобга олинмаган).

	У.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Спартак» (М)	21	12	5	4	35-21	29
МАСК	20	11	6	3	39-24	28
«Динамо» (К)	21	8	8	5	29-24	24
«Шахтёр»	20	6	12	2	26-21	24
«Торпедо»	20	7	9	4	21-14	23
«Динамо» (Мн)	20	7	7	6	22-19	21
«Днепр»	21	6	9	6	18-20	21
«Черноморец»	20	4	13	3	24-18	21
«Динамо» (М)	21	8	4	9	26-25	20
«Помир»	21	4	11	6	17-22	19
«Арарат»	19	7	3	9	16-20	17
«Металлург»	20	5	6	9	13-20	16
«Пахтакор»	21	5	6	10	25-33	16
«Локомотив»	19	5	5	9	16-28	15
«Металлист»	19	4	7	8	18-26	15
«Спартак» (Вл)	21	4	7	10	23-33	15

ЖАСОРАТИНГИЗ МАНГУ

Ғалаба байрамини отамиз Тўқлиев хоки ётган Украина ССР Харьков вилояти. Волганский районида ўтказдик. 1975 йили «Революций» қишлоғидаги қабристонда 23 кишига қабр тоши қўйилган бўлса, эндиликда улар сони 1033 тага етибди. Ёдгорликни қишлоқ Кенгаши раиси Н. И. Божко очиб, бу хайрли ишга бош қўшган давлат хўжалиги, мактаб жамоалари ва қишлоқдошларини қутлади. Маҳаллий мактаб ўқув қисми мудири О. И. Радченя, ўқитувчилар Н. В. Ефременко ва А. И. Ветровалар сайъи-ҳаракатлари туфайли 3906 кишининг шахси аниқланиб, уларнинг номлари ёзиб қўйилди.

Қариндош-уруғлари топилиб қолар, деган, мақсадда ўзбекистонлик жангчиларнинг исм фамилияларини ёзиб олгандим, деб ёзади. — Нукус шаҳар, Жуковский кўча, 26 уйда яшовчи Кенес Балганов, — Мана улар:

— Ўсаров Анарбой. 7. 6. 43й. Жомбой райони, Холмурод қишлоқ Совети.

— Ачилов Қўшбахт, 1913й. Қорадарё райони, «Коммунизм» колхози.

— Жонзоқов Абдулла, 1921 й. Ғаллаорол райони «Янгикенгаш» колхози.

— Эшов Ғулом. 1916й. Қўрғон станцияси. Самарқанд кўчаси 36 уй.

— Абдураҳманов Йўлдош. 1920 й. Учқўрғон райони.

— Қулмуҳамедов Аласар. 1909й. (17.07.42й). «Слава» қишлоғи.

— Иманситев Мирза, Паркент райони. Заркент қишлоғи;

— Ваисов Тубак — 1907й. Шаҳрисабз райони, Заркокил қишлоқ Совети.

— Абдуллаев Ширинбой. 1922 й. Шоббоз (ҳозирги Беруний) райони.

— Ильтизаров Жиян, 1917 й. Оҳангарон райони,

— Ўрозимбетов Боймир. 1922 й. Юқори Чирчиқ район. Чапаев колхози.

— Тангиберганов Хаитбой. 1917 й. Шаббоз (ҳозирги Беруний) райони (20.05 42 й).

— Ортиқов Асқарали. 1908 й. Шўрчи район Янгибозор қишлоқ Совети.

— Султонов Абдураим. 1908 й. Денов район, Хайробод қишлоқ Совети.

— Тўрахонов Соат. 1907 й. Денов райони.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

Таниқли журналист Мажид Самадов юборган мактубда Фарғона вилояти, Киров районида яшовчи Абдужалил ота Мавлоновнинг Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида кўрсатган қаҳрамонликлари туфайли II ва III даражали Шуҳрат ва I даражали Улуғ Ватан уруши орденларига сазовор бўлгани ҳамда унинг ҳозирги тинч қурилиш йилларида қилаётган хайрли ишлари ҳақида мароқли ҳикоя қилган.

Пастдарғом район Жума шаҳар Киров кўча 23-уйда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси ака-ука Аннақул ва Омонқул Холиқовлар эса яқин кунлargача Сталин қатағонлари қурбонларидан ҳисобланиб келишгани, қайта-қуриш, ошкоралик ва демократия туфайли бугунги кунда улар батамом оқлангани, бутун оиласидан бу тавқи ланъат олиб ташлангани ҳақида қувониб мактуб ёзишади.

Қамаши район Тўқбой қишлоғида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси пенсионер отахон, собиқ сержант М. Тўхтаев суронли уруш йиллари хотираларини эсга олган. Қуролдош дўсти Юсуф Соатовнинг қаҳрамонликларини ҳам марқ билан ҳикоя қилган. Қашқадарё вилоятида колхоз тузиш йиллари «Тўқбой»нинг биринчи раиси Норбўта Шаропов ҳақида ҳам кўрган-кечирган воқеаларини қизиқарли ҳикоя қилган.

Ульяновск вилоятидан ёзган А. Жуков эса ўзбекистонлик қуролдош дўстлари билан бўлиб ўтаётган учрашувларни қаламга олган.

Совет Армияси ҳарбий бўлинма командирларидан бири катта лейтенант Ю. Захаренко ўзбекистонлик кичик командирлар Д. Ҳайитбоев ва Б. Қурбонбоевларнинг тартиб-интизомлиги, асркарлар орасида обрў-эътибор орттиришгани, улар барчага намуна бўлаётгани ҳақида ёзган.

«Наманганлик Қобилжон Юсуповни қисмимизда танимайдиган, уни ҳурмат қилмайдиган киши топилмаса керак, деб ёзади унинг командири, офицер В. Теремицкий, — Ватан учун ҳалол хизмат қилган Маҳмуджон, Норимжон, Раҳимжон, Шокиржон, Шавкатжон ва Қобилжонларни ҳамда олти қиз тарбиялаб вояга етказган қаҳрамон она Озода Юсупова қаршисида бир умр таъзимдамиз...».

«Немислар тупроғида хизмат қилаётган ўзбек ўғлонлари оталар жасорати ва қаҳрамонликларига бир умр содиқ қоладилар, — деб ёзибди оддий аскар. Ў. Юсупов. Улар ўзларининг намунали хизматлари билан турли миллат вакиллари аскар фарзандларига намуна бўлмоқдалар».

Оталар жасоратини дилга жо этган ҳолда ҳозирги йигитлик бурчларини адо этаётган фарзандларимизга муваффақиятлар тилаймиз. Таҳририятга мактуб битган муаллифларга эса миннатдорчилик билдирамиз.

А. МУРОДОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-15-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.50.
№ 147.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12